БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ КОРХОНАЛАР БАРҚАРОР ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Йўлдошев Шоҳруҳ Бобораҳим ўғли
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Бугунги кунда солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ижобий таъсирини оширишнинг самарали тадбирлари ва воситалари нафақат билвосита солиқлар, шу жумладан ҚҚС маъмуриятчилигини такомиллаштириш билан, балки шу билан бир вақтда ва бундан кам бўлмаган аҳамиятда фойда ҳамда ресурс солиқларининг корхоналар барқарор фаолиятини таъминлашдаги аҳамиятини ҳам чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Корхоналар барқарор фаолиятини таъминлашдаги стратегик йўналишларини белгилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

- солиқ қонунчилиги ва корхона молиявий-хўжалик фаолияти асосларининг мукаммаллашиб бориши шароитида корхона солиқ мажбуриятининг шаклланиш модели ва солиқларни оптималлаштириш усулларини тадқиқ этиш;

- солиқларнинг корхона молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштиришда кўп даражали (экзоген ва эндоген) ёндошув асосида солиққа тортиладиган фойда миқдорига таъсир этувчи шароитларни илмий изоҳлаш;

- корхона фойдасини солиққа тортиш механизми модернизацияси йўналишларида эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатларни ёритиш;

- Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига ижобий таъсирини оширишга қаратилган ўрта муддатли самарали тадбирларнинг Йўл харитасини ишлаб чиқиш.


Мамлакатимизда солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш орқали шунга эришишимиз керакки, солиқларнинг амал қилиши ҳар бир манфаатдор томон фаолияти ривожланишига хизмат қилиши лозим бўлсин. Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, аввалambор, солиқлар бўйича манфаатдор томонлар учун, солиқ қонунчилиги бўйича шаффофликни кенгайтириш муҳимдир.

Маълумки, молиявий қонунчилик, хусусан солиқ қонунчилиги барқарор бўлган ҳолатда мамлакат иқтисодий ривожланиши барқарор бўлади. Солиқ қонунчилигининг барқарорлик ҳолатида солиқларни режалаштиришнинг самарадорлиги анча юқори бўлади, аксинча ҳолат, яъни солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариб туриши унинг самарадорлик даражасини пасайтиради. Шу билан бирга, солиқларнинг амал қилишидан турли манфаатдор томонлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, солиқ қонунчилигининг шаффофлигини таъминлаш, яъни солиқ қонунчилигининг барча учун очиқ ва тушунарли бўлиши ҳамда солиқ қонунчилиги ҳаётга татбиқида барқарорликнинг таъминланиши соҳалар тараққиётида, ўз навбатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, инвесторлар ва жамият солиқ юкининг барқарор енгиллашиб бораётганлигини англашлари, солиқ қонунчилигида корпорация ва фуқаролик позициясининг такомиллашувидан, компаниялар ўзаро ҳамкорлигининг ҳолатидан, инвестицияларни жалб этиш ва ушлаб туришдан манфаатдор саналади.

Кўриниб турибдики, солиқ қонунчилигига амал қилиш даражасини оширишдан ҳам давлат манфаатдор, ҳам корхона таъсисчилари ва ходимлари манфаатдор. Бу ҳолат солиқ менежменти амал қилиши ҳар иккала томон учун ҳам муҳимлигини акс эттиради. Яъни,

давлат миқёсида солиқ менежментининг самарали амал қилиши натижасида давлат ўз функцияларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлайди. Иккинчи томондан эса, корхоналарда солиқ менежментининг самарали ташкил этилиши корхонада солиқ ҳуқуқбузарликларини камайтиришга хизмат қилади ва натижада давлат томонидан қўлланиладиган молиявий жарималар туфайли корхонада кутилмаган молиявий йўқотишларнинг олдини олади. Бу ҳолат ҳам давлат, ҳам корхона таъсисчилари ва ходимлари учун манфаатлидир. Шунингдек, солиқ қонунчилигида корпорация ва фуқаролик позициясининг такомиллашувидан ҳам корхона, ҳам инвесторлар ва жамият манфаатдор эканлиги акс эттирилган. Буни шу билан изоҳлашимиз керакки, солиқларнинг амал қилиши корхона фаолиятида иштирок этувчи инвесторлар ва ходимларни ўзларининг фаолиятидан совутмаслиги лозим. Яъни, солиқларнинг оптимал ҳолатда бўлиши капитал эгасининг ўз маблағини корхонага фойда олиш мақсадида қўйишига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Булардан ташқари солиқларнинг амал қилиши натижасида инвестицияларни жалб этиш ва ушлаб туришдан ҳам давлат, ҳам инвесторлар ва жамият манфаатдор эканликлари кўрсатилган. Буни шу билан изоҳлаймизки, инвестициялар ҳажмининг ошиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ошириш асносида давлат ва жамият учун фойдалидир, яъни солиқ базаси ва солиқ тўловчилар доираси кенгайиши ҳисобига солиқ тушумлари ошиб боради. Ўз навбатида капитал эгаси ҳисобланган инвестор учун капитал ҳаракати ва сафарбар қилиниши солиқ юки тобора пасайиб бораётган ҳудудда юқорироқ даражада фойда келтиради.



1-расм. Солиқ мажбуриятининг

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Расмнинг шу жиҳати эътиборлики, амалдаги қонунчилик доирасида корхонанинг солиқ бурчи мавжудлиги объектив тарзда амал қилсада, у ҳали солиқ мажбуриятининг кўлами ва унинг ижро этилиши учун имкониятларни баҳолаш имконини бермайди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг молиявий асослари шаклланишига ижобий таъсир этишнинг муҳим усулларидан бири - корхона фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг муҳим вазифаси сифатида солиқларнинг ижобий таъсирини кучайтириш ҳамда салбий таъсирини камайтиришдир. Ҳар қандай корхона ўзининг бюджет олдидаги солиқ мажбуриятларини максимал даражада қисқартириш учун қонунда белгиланган тартибда бизнесни юритиш ва хўжалик операцияларини ҳисобга олишнинг самарали усуллари ва йўлларидан фойдаланиш хуқуқига эгадир.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур. Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтни ташкил этишни таклиф қиламиз. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур[2].

Солиқ тўловларини оптималлаштириш – бизнес ривожи орқали корхона молиявий имкониятларини ошириш ҳамда солиқ базаси келгуси ўсишини таъминлашнинг муҳим асосларидан биридир. Солиқ тўловларини оптималлаштириш натижасида корхонанинг келгуси ривожланиши ва фаолияти самарадорлигини ошириш учун реал имкониятларнинг ўсиши кузатилади. Шунинг учун солиқларнинг корхона фаолияти кўрсаткичларига таъсирини муттасил таҳлил этиб бориш – корхона фаолиятини солиқлар орқали самарали тартибга солишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Солиқларни режалаштириш ёки бошқа солиқ схемаларини амалиётда қўллаш солиқ рисклари юзага келиши натижасида молиявий йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Бу бўйича солиқларни режалаштириш масалаларини ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган ноаниқликларни мавжуд солиққа тортиш моделини оптималлаштириш мақсадида қўллаш учун ишлаб чиқилган солиқ схемаларидан баъзиларининг долзарблик касб этиши молиявий рисклар камайишига хизмат қилади[3].

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни режалаштиришга бўлган заруратни Т.С.Маликовнинг “ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак”[4] , деган фикри ўзида тўлиқ ифодалай олади.

Солиқларни режалаштиришнинг аҳамияти солиқларни максимал даражада қисқартириш учун қонунчилик йўл қўйган усул ва воситалар, шу жумладан қонунчиликдаги бўшлиқлардан солиқ тўловчилар фойдаланиши натижасида унинг презумпция ҳуқуқи тан

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2020 йил 24 январь, http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020


[3] Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш /08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати/ Т.:, 2017 22 бет, http://library.ziyonet.uz/static/lib/reader-pdf

[4] Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: “Академнашр”, 2011. – Б. 195.

олинишида акс этади. Бундан ташқари солиқларни режалаштириш солиқларни ўз вақтида ватўлиқ тўлаш бўйича чора-тадбирларни олдиндан белгилашда ҳам намоён бўлади.

Шундай қилиб, **солиқларни режалаштириш** – қонунчилик томонидан тақдим этилган янгиликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ ва мажбурий ажратмаларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир.

Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқларни оптималлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бунда солиқларни оптималлаштириш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқларни оптималлаштириш усуллари қуйидаги расмда келтирилган.



2-расм. Солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқларни оптималлаштириш методлари[5]

Солиқларни оптималлаштиришда муносабатларни алмаштириш методининг моҳияти шундаки, корхона ўзининг контрагентлари билан хўжалик операцияларини юридик жиҳатдан расмийлаштириш жараёнида қабул қилинган қарорларнинг солиқ оқибатларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий нормани танлайди. Бошқа сўз билан айтганда, бир хўжалик ҳуқуқий муносабатлари солиқ ставкаларининг ошиши натижасида

солиққа тортиш кўрсаткичлари ҳам ўзгаради. Натижада корхона ҳуқуқий муносабатларда деярли бир хил, лекин солиққа тортишда имтиёзли режимга эга бўлишга ҳаракат қилади, яъни бунда хўжалик операцияларининг иқтисодий моҳияти ўзгаришсиз қолади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳуқуқий муносабатларда комплекс ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартномалар тузиш жараёнида ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни қисқартиришга ҳаракат қилинади.

Муносабатларни тақсимлаш методи алмаштириш методи каби фуқаролик ҳуқуқида аниқ мақсадлилик тамойилига асосланади, лекин мазкур ҳолатда бир хўжалик муносабатини алмаштириш кўзда тутилмайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, оддий

[5] Элмирзаев С., Қурбанқулова Н. Ўзбекистонда солиқ менежментини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: “Тамаддун”, 2013. – 164 б..

хўжалик операциялари тизимида муносабатларни тақсимлаш мураккаб жараён ҳисобланади ва биринчи навбатда мустақил вазифаларни белгилаш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловларини кечиктириш методи солиқларни солиққа тортиш объекти пайдо бўлган вақтни ва календар даври (йил, чорак, ой)га боғлиқ равишда тўлаш муддатини узайтиришга асосланади.

Солиққа тортиш объектини тўғридан-тўғри қисқартириш методи операцияларни ёки мулкни солиққа тортиладиган объект қаторидан чиқаришни ўзида акс эттириб, корхона хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Бунда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

савдо-харид операцияларини такомиллаштириш пайтида солиққа тортиш объектини қисқартириш ва товар (иш, хизмат)лар нархини ошириш

(камайтириш);

мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш объектини инвентаризация ўтказиш йўли билан, физик жиҳатдан яроқсиз ёки маънавий жиҳатдан ескирган мулкларни ҳисобдан чиқариш орқали қисқартириш;

солиққа тортиладиган мулк қийматини қайта баҳолаш ўтказиш орқали қисқартириш;

Солиқ мажбуриятларини тақсимлаш методида эса корхонада асосий солиқ тўловлари бўйича махсус жавобгарлик белгиланади. Бунда ташкил этилган жавобгарликдан келиб чиққан ҳолда фискал босимни камайтиришга ҳаракат қилинади. Мазкур солиқ ажратмаларини камайтириш усулини амалга ошириш учун солиқларни режалаштиришдан фойдаланилади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва солиқ тўловчилар гуруҳлари бўйича қонуний ўрнатилган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш методи алоҳида солиққа тортиш режимлари ўрнатилган, давлат аҳамиятига эга бўлган иқтисодий ўсишни ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлайдиган алоҳида соҳалар, фаолият турлари (қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация, илм-фан ва тажриба-конструкторлик ишлари), солиқ тўловчиларнинг алоҳида гуруҳлари (кичик бизнес ташкилотлари, махсус

битимлар асосида фаолият юритувчи инвесторлар), алоҳида ҳудудлар (эркин индустриал-иқтисодий зоналар), ижтимоий масалаларни ҳал қилишда қатнашувчи ташкилотлар (ногиронларни иш билан таъминлаш, нотижорат ташкилотларига ва спорт мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш); экспортга йўналтирилган корхоналар ва бошқа субъектлар учун фойдали ҳисобланади.

Савдони бошқариш ёки корхона бошқарув қарорларини қабул қилиш маркази юрисдикциясини алмаштириш методида мустақил юридик шахс сифатида ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини имтиёзли солиқ режимларидан келиб чиқиб жойлаштиради.

Юқорида санаб ўтилган методлар қисқа муддатли хусусиятга эга, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлмай, тегишли асослардаги тафовутларга эга.

Солиқларни оптималлаштиришнинг бундай методларини танлаш корхонанинг ўз олдига қўйган мақсади (сотиш, фойда ва бошқа кўрсаткичларнинг ўсиши)га еришишида самаралидир. Бу жараён оралиқ вақтлар давомида харажатларни камайтириш ҳисобига корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий ўсишини ва молиявий барқарорлигининг келажагини таъминлайди.